

Кузатув кенгашининг 20.06.2017 йилдаги
мажлисида тасдиқланган. Баённома 7.

*«Navoiy issiqlik elektr
stansiyasi»*

Акциядорлик жамияти

**2017 йил
БИЗНЕС-РЕЖАСИ**

КАРМАНА ТУМАНИ

МУНДАРИЖА

КИРИШ

1. ЮРИДИК РЕЖА

- ЖАМИЯТ РЕКВИЗИТИ

- ЮРИДИК МАҚОМИ

- МУЛКЧИЛИК ШАКЛИ

2. КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ

3. ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН УСКУНА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР

4. 2017 ЙИЛ УЧУН ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ ПРОГНОЗИ. ФАОЛИЯТ ТУРИ БЎЙИЧА

5. МОЛИЯВИЙ РЕЖА

6. ЯКУНИЙ ҚИСМ

КИРИШ

“Навоий иссиқлик электростанцияси” Акциядорлик жамияти – минтақадаги саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари, маиший-коммунал секторни иссиқлик ва електроэнергия билан таъминловчи йирик манба ҳисобланади.

Республика энерготизимининг йирик иссиқлик электростанциялари қаторига кирувчи станция қурилиши 1960 йилда бошланиб, қуввати 25 минг кВт бўлган энг биринчи агрегати 1963 йилнинг 8-февралида тармоққа уланган.

Станциянинг 1963 йилнинг февралидан, яъни, энг биринчи агрегати тармоққа уланган вақтдан бошлаб, 2017 йилнинг биринчи декабригача ишлаб чиқарган електроэнергияси 349,7 миллиард кВт.соатни ташкил этди. Шу давр мобайнида 151,7 миллион Гкал иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилди.

Станция қурилиши аввалига Навоий тоғ металлургия комбинати таркибида бошланиб, 1965 йилдан корхона Ўзбекистон энергетика Вазирлиги тасарруфига ўтказилган.

Станциянинг электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчи қувватлари қуйидагиларда иборат:

- 2 та ТГМ-151 русумли буғ қозони;
- ҳар бири 150 МВтдан, умумий қуввати 300 МВт – ТГМ-94 русумли буғ қозони ва ПВК-150-130 русумли турбоагрегатли 3- ва 4-энергоблоклар;
- ҳар бирининг қуввати 50 МВт дан – Р-50-130 русумли 2 та турбоагрегат, ТГМ-84 русумли 4 та буғ қозони;
- ҳар бирининг қуввати 160 МВтдан, умумий қуввати 320 МВт – ТГМ-94 русумли буғ қозони ва К-160-130 русумли турбоагрегатли 8- ва 9-энергоблоклар;
- умумий қуввати 420 МВт, ҳар бирининг қуввати 210 МВтдан – ТГМЕ-206 русумли буғ қозони ва К-210-130 русумли турбоагрегатли 11- ва 12-энергоблоклар.
- 2012 йилнинг IV чорагидан бошлаб, 478 МВт қувватга эга бўлган замонавий буғ-газ қурилмаси ишга туширилди.

Республикамиз энергетика тизимида йирик ана шундай халқаро лойиҳа – қуввати 478 мегаватт, қиймати 942 млрд. сумга тенг бўлган Буғ-газ қурилмаси лойиҳасини биринчи бўлиб “Навоий ИЭС” АЖ да амалга оширилди. Соатига 90 минг кубометр табиий газ ёқилғиси сарфланадиган комбинациялашган цикли ушбу қурилма газ турбинаси генераторининг қуввати 313 м.кВт.ни ташкил қилса, ёниш маҳсулотларининг қолган иссиқлиги ҳисобига ҳосил қилинган буғ - қуввати 165 м.кВт.ни ташкил қиладиган буғ турбинасига йўналтирилади ва қўшимча электр энергияси ишлаб чиқарилади, ана шу комбинацияланган цикл

ҳисобига юкори тежамкорликка эришилади. Анъанавий иссиқлик электростанцияси циклида 1 кВт соат електроэнергияси олиш учун 380-400 грамм атрофда шартли ёқилғи сарфланса, комбинациялашган цикли бу қурилмада 1 кВт соат електроэнергияси олиш учун ушбу кўрсаткич 234 граммни ташкил қилмоқда. Янги қурилманинг ишга туширилиши станциянинг електроэнергия ишлаб чиқариш қувватини деярли бир ярим барабар ошириш имконини берди. Бугунги кунда қуввати 478 МВт бўлган Буғ-газ қурилмаси барқарор юкланиш билан ўз электр энергиясини истеъмолчиларга етказиб бermoқда.

“Навоий ИЭС” АЖ да қуввати 478 МВт бўлган янги Буғ-газ қурилмаси лойиҳасининг амалга оширилиши - республикамиз энерготизимида замонавий технологияларни жорий этишда, энергоқувватларни модернизация қилишда янги даврни бошлаб берди.

Ишлаб чиқариладиган электр энергияси ва иссиқлик энергияси монопол маҳсулот ҳисобланиб, Молия Вазирлигида нархлари декларация қилинади.

Махфийлик меморандуми

- Ушбу бизнес-режа «Навоий ИЭС» АЖ интеллектуал мулки булиб, уни очик чоп этиш еки эълон қилиш ман этилади. Ушбу ҳужжатда мавжуд булган ва корхонанинг стратегик режалаштиришга оид булган бошқа маълумотлар Жамиятни сирини ташкил этади. Ушбу ҳужжатдан фойдаланиш ҳукуки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида, Жамият Уставида белгиланган ходимларга, ёки ушбу ҳужжатлар билан ишлаш уларнинг мансаб йуриқномасида белгиланган ходимларга берилган.

- Бизнес-режа маълумотлари билан ишлаш ҳукуки «Навоий ИЭС» АЖ маълумот хавфсизлиги Сиёсатига мувофиқ амалга оширилиб, маълумотларни қонунга зид ҳолда ошкор этиш ман қилинади.

ЮРИДИК РЕЖА

- ЖАМИЯТ РЕКВИЗИТИ

Жамиятнинг номи: «Navoiy issilik elektr stansiyasi» АЖ

Жамиятининг почта манзили ва юридик жойлашган жойи: Навоий вилоят Кармана туман «Янги-Арик» ҚФЙ

Телефон: (8436) 22-7-86-81. Факс: 22-7-86-91.

Ҳисоб рақами: 20210000900305993001 в ПСБ г. Навои

Банк коди: 00207

ЮРИДИК МАҚОМИ

Юридик мақоми: Акциядорлик жамияти.

Регистрация: Навоий вилояти, Кармана тумани Хокимияти.

Сана ва рақам: 17.09.2004 й. №00350

Фаолият муддати: Чекланмаган.

«Navoiy issilik elektr stansiyasi» AJ юридик шахс ҳисобланиб, тўлиқ хўжалик ҳисоби ва ўз харажатларини ўзи қоплаш принципи бўйича иш кўради, жамият думалок муҳр, штамп ва жамиятнинг номи билан курсатилган махсус балнқаларга эга.


МУЛҚЧИЛИК ШАКЛИ

Мулкчилик шакли – Акциядорлик жамияти. Устав фондининг миқдори - 18 553 360,0 минг сўм бўлиб 185 533 600 дона акцияларга тақсимланган, шундан:

Улуш эгаси	Улуш %	Улуш млн. сўм.	Акциялар донаси
«Узбекэнерго» АЖ	99	18 367,8	183 678 200
Жисмоний шахслар улуши	1	185,5	1 855 400

Бугунги кунда меҳнат жамоаси акциялари тўлиқ жойлаштирилган, Давлат активи, Эркин савдога мўлжалланган - жойлаштирилмаган.

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ



Кузатув кенгаши

Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, Қонун билан акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

Жамият кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар хал қилиш учун жамият ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

Жамият кузатув кенгаши фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси қонуни, давлат бошқаруви қонуности ҳужжатларига, жамият уставига ва Кузатув кенгаши низомига асосан бошқаради.

Тафтиш комиссияси

Тафтиш комиссияси акциядорлик жамиятининг назорат органи ҳисобланиб, акциядорлик жамиятининг фаолияти, унинг бўлинмалари ва хизматлари, акциядорлик жамияти балансида турган филиаллари ва ваколатхонлари фаолияти устидан ички молия-хўжалик ва ҳуқуқий назорат қилиш функцияларини амалга оширади. Ўз фаолиятида Тафтиш комиссияси Ўзбекистон Республикаси қонунларига, давлат бошқаруви органларининг қонуности ҳужжатларига, акциядорлик жамияти уставига, тафтиш комиссияси низомига, ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинадиган ҳамда Тафтиш комиссияси ва унинг азолари фаолиятига таълуқли бўлган акциядорлик жамиятининг бошқа меъёрий ҳужжатларига амал қилади.

Ижроия орган – Бош директор

Жамиятнинг қундалик фаолиятига раҳбарлик яккабошчилик асосидаги ижроия органи – Бош директор томонидан амалга оширилади.

Жамият Бош директорининг ваколатларига жамиятнинг қундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар қиради, акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига ёки кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

Бош директорнинг мажбурияти ва ҳуқуқи қонунчилик, қонуности ҳужжатларга ва жамият билан тузилган шартномага билан аниқланади. Бош директор Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, жамият устави, ижроия органи тўғрисидаги низомга ва жамиятнинг ички ҳужжатларига асосан фаолият кўрсатади.

Ички аудит хизмати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.09.2006. йилдаги “Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-475-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.10.2006 йилдаги “Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларига асосан «Navoiy issilik elektr stansiyasi» АЖда ички аудит хизмати ташкил этилган бўлиб қуйидаги вазифаларни бажаради:

- кузатув кенгашни ишончли ахборот билан таъминлаш ва ички аудит амалга оширилиши натижалари бўйича корхона фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш;

- ички аудит жараёнида аникланадиган камчиликларни бартараф этиш юзасидан корхона бошқарув органларига тавсиялар бериш ва уларнинг бартараф этилишини назорат қилиш.

- бухгалтерия ҳисобини юритишда ва молиявий ҳисоботни тузишда корхонанинг таркибий бўлинмаларига методик ёрдам бериш, уларга молия, солиқ, банк қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари масалалари бўйича маслаҳатлар бериш ва ҳ.к.

Корпоратив бошқарувни такомиллаштириш

Корпоратив бошқаруви - бу биринчи ўринда Кузатув кенгаши ва акциядорлар ўртасидаги бошқарув органи муносабат тизимини қуришдир. Жамиятнинг асосий бошқариш сиёсати, корпоратив бошқарув соҳасини ривожлантириш, бажариладиган иш тартибини ишлаб чиқариш ва бу эса қатнашчиларни ахлоқий иш юритиши ва манфаатдор томонларни ҳуқуқлари бузилишига олиб келадиган низолар тўғрисида огоҳ бўлишни таъминлайди.

Корпоратив бошқарув тизими ёрдамида жамият фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш амалга оширилади. Унинг тузилмаси корпоратив тизимга кирадиган шахсларнинг ҳуқуқ мажбуриятларини ҳамда корпоратив тизим ишлари бўйича қарорлар қабул қилиш қоидалари ва тартибини белгилайди. Корпоратив бошқарув асосида, шунингдек, жамият фаолиятининг мақсад ва вазифалари, уларга эришиш йўллари ва воситалари белгиланади, жамият фаолияти самарали назорат қилинади.

Корпоратив бошқарувнинг асосий мақсади акциядорлик жамиятининг ҳар қандай турдаги фаолиятдан амалдаги қонунчилик доирасида имкон қадар юқори фойда олиш бўлиб, бунда барча томонларнинг манфаатлари мутаносиблигини таъминлаш жуда муҳимдир. Шундай қилиб, барча манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқлари кафолатланадиган очик ва баланслашган корпоратив бошқарув модели корхонани капиталлаштиришни ошириш, унинг узок муддатли ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг муҳим шартларидан биридир.

Фойдаланиладиган ускуна ва технологиялар

Ишлаб чиқариш қувватининг тавсифи ва ҳажми

«Навоий ИЭС» АЖда ўрнатилган қувват 1618 МВт бўлиб ва қўйидаги ускуналардан иборат:


Турбоагрегатлар:

ст № 3,4	К-150-130 типли	қуввати	150 МВт
ст № 5,7	Р-50-130 типли	қуввати	50 МВт

«NAVOIY ISSIQLIK ELEKTR STANSIYASI» AJ

ст № 8,9	К-160-130 типли	қуввати	160 МВт
ст № 11,12	К-210-130 типли	қуввати	210 МВт
ПГУ –478МВт		қуввати	478 МВт
Котлоагрегатлар:			
ст № 1,2	ТГМ-151 типли	ишлаб чиқариш кучи	220 т/соат.
ст № 3,4,8,9	ТГМ-94 типли	ишлаб чиқариш кучи	500 т/соат.
ст № 5,6,7,10	ТГМ-84 типли	ишлаб чиқариш кучи	420 т/соат.
ст № 11,12	ТГМЕ-206 типли	ишлаб чиқариш кучи	670 т/соат.

АЖ “Навоий ИЭС”да электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш тизими



2016 йил техник-иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили

Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	2016 йил прогнози	2016 йил ҳақиқатда	% бажарилиши	Прогнозга нисбатан % (ўсиш+, камайиш -)
Амалдаги нархларда	млн сум	841047	843742,8	100,3	+2 695,8
Таққослама нархларда	млн. сум	802048,2	830987,9	103,6	+28 939,7
Асосий ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар					
Электр энергияси	Минг.кВт/ с	8 900 000	9 235 989	103,6	+335 989
Иссиқлик энергияси	Гкал	1 900 000	1960744	103,2	+60 744
Ишлаб чиқариш харажатлари					
Иш ҳақи	млн сум	32114,8	28869,8	89,9	-3245
Ишлаб чиқариш таннари	млн сум	766768,5	756126,1	98,6	-10 642,4
Давр харажатлари	млн сум	71565,8	80 727,3	112,8	+9161,5
Соф фойда	млн сум	635,6	6 585,9	1036,1	+5950,3

1. Электр энергияси ишлаб чиқариш ва Иссиқлик энергияси сотишдан амалдаги нархларда ялпи даромад 843 742,8 млн сумни ташкил этиб, таққослама нархларда 830 987,9 млн сумни ташкил этди.

2. Электр энергияси 9 235 989 минг кВт/соат, иссиқлик энергияси 1 960, 74 минг Гкал ишлаб чиқарилган ҳолда, соф фойда 6585,9 млн. сўмни ташкил этди.

Кадрлар сиёсати

2016 йил давомида 70 нафар Ўзбекистон фуқароси ишга қабул килинди, жумладан: 19-нафари Республикамиздаги олийгоҳларни тугатган ёш мутахассислардир, 41-нафари касб-хунар коллежларини тугатган ёш мутахассислардир, жами квота буйича ишга қабул килинганлар 39 нафарни ташкил этади шундан: 39 нафари ҳам битирувчи ёшларни ташкил этди. Кармана саноат касб хунар коллежини 2016 йилда 512 нафар битирувчи билан 4 томонлама шартномалар тузилиб, 100 фоизга бажарилган, шундан 39 нафари станцияга ишга қабул килинди. 496 нафари туманни турли корхона ва ташкилотларига ишга жойлаштирилди. 105-нафар ишчи-ҳодим билан меҳнат шартномалари бекор килинди.

Тошкент ходимлар тайёрлаш марказига 25 нафарн мутахассис ходимлар ўқитилиши режалаштирилган, бўлиб, шундан 25 нафари малакасини ошириб келди.

Ўзбекистон Республикасининг 09.04.1997 йилдаги Қонуни билан қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида

1. Кадрлар тайёрлаш тизими яратилди
2. Корпоратив бошқарувга ўтиш буйича ходимларни тўлик маълумотлари хақида алоҳида дастур ишлаб чиқилиб, база яратилди.
3. Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш.
4. Ишчи ходимларга шарт шароитлар яратиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлик коидаларига риоя этиш, ҳамда уларни рағбатлантириш буйича дастур ишлаб чиқилди.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 29 сентябрдаги № ЭДО-06/1-865 рақамли топшириғи ва “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамиятининг 2016 йил 10 октябрдаги № 490 рақамли буйруғини бажариш буйича қилинган ишлар юзасидан Буғ-газ қурилмаси ўқув маркази ташкил этилди. 9 декабрдан 25 декабргача биринчи ўқув дарслари Япония мутахассислари билан ўтказилди. Режа асосида ўқувлар ташкил этилмоқда.
6. Касб тайёргарлигини хусусий шакли буйича 180-нафар ишчилар ўқиши режалаштирилган.
шу жумладан:
 - биринчи маротаба режа буйича 85 та
 - иккинчи мутахассисликка режа 55 та
 - қайта тайёрланганлар режа буйича 40 та
7. Узлуксиз иқтисодий ишлаб чиқариш ўқуви тизимида 72 гуруҳларда йил мобайнида 1135 ишчи таълим олди.
8. 156 та раҳбар ва мутахассисликлар иқтисодий ишлаб чиқариш семинарларида ўқитилди.

Ундан ташқари «Ўзбекэнерго» АЖ ходимлар тайёрлаш марказида 25 киши, ишчилар 13 киши, техник мутахассис ходимлар 12 киши малакасини ошириш ва тайёрланишни ўтаганлар.

КТЦ-1, 2, эл.цех, ИАЎЦ, СКТЦ асосий цехлар тезкор ишчиларни тайёрланганлиги йил мобайнида хусусий шаклда раҳбарият томонидан тасдиқланган жадвал асосида режага мувофиқ ўтказилди.

2016 йилда тайёрланганлар:

1-КТЦ- катта машинист -4-киши